

муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш, шунингдек, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш имконини вужудга келтирди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони//www.lex.uz;*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 655-сонли қарори//www.lex.uz;*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори//www.lex.uz;*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сонли қарори//www.lex.uz.*

## **ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ҚўЛЛАШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ**

**Ж.А.Абдуллаев, и.ф.ф.д. (PhD)**

*Таълимни ривожлантириш  
республика илмий-методик маркази,*

ДХШ концепцияси биринчи марта 70-йилларда, давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатлар зарурлиги тўғрисида тушуниб етилгандан кейин шакллана бошлади.

Шундай қилиб, давлатнинг турли даражалари ташаббуси билан капитални кўп талаб қиладиган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш натижасида муҳим аҳамият касб этадиган «public private partnership» тушунчаси пайдо бўлди, бу қўшимча молиялаштириш манбаларини жалб қилишни талаб этади.

ДХШ тушунчаси дастлаб саноат соҳасида қўлланилганига қарамай, кўплаб давлатлар (*АҚШ, Канада, Австралия, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари*) муқобил молиялаштириш манбаларини таъминлаб, ДХШ механизмларидан амалда ва ижтимоий соҳаларда (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият) фаол фойдаланмоқда.

Олий таълим соҳасида ДХШни кўриб чиқадиган бўлсак, ДХШ тамойилларини қўллаш молиявий афзалликлар билан чекланмайди. Шериклик

доирасида бизнес вакиллари, семинарлар, давра суҳбатларини ташкил қилиш ва нашриёт ишларини олиб бориш нафақат тақдим этилаётган таълим хизматлари сифатини оширишга ёрдам беради, балки талабалар ўртасида тегишли ваколатларни шакллантириш туфайли таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозорида талабнинг ўзаро мослигини таъминлайди.

Шу сабабли, олий таълим соҳасида ДХШ тамойилларини қўллаш постиндустриал жамиятда инсон капиталини ривожлантиришда зарурий восита ҳисобланади. Акс ҳолда, молиялаштиришнинг қисқариши ва сифатсиз олий таълим хизматларини тақдим этиш иқтисодиётнинг пасайишига, рақобатбардошлигининг пасайишига, жамиятдаги ижтимоий вазиятнинг ёмонлашишига, маданият умумий даражасининг пасайишига ва бюджет тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли, ДХШни ривожлантиришда устувор вазифа ижтимоий соҳада шериклик тамойилларини фаол амалга ошириш бўлиши керак.

Хорижий амалиётда дунёнинг барча мамлакатлари кесимида ДХШ лойиҳалари тўғрисида ягона умумий маълумотлар йўқ. 15 йилдан ортиқ вақт давомида инфратузилмани ривожлантириш масалалари билан шуғулланувчи Жаҳон банки ДХШ лойиҳалари бўйича маълумотлар базасини сақлаган ҳолда, фақат ривожланаётган мамлакатларда ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда тўлиқ маълумот беради. Жами, АЕСОМ Consult консалтинг компаниясининг маълумотларига кўра, дунёда 1984-2004 йилларда тузилган ва амал қилган ДХШ шартномаларининг сони бу инвестициялар ҳажми 451 млрд. АҚШ доллари бўлган ҳолда 1121 ни ташкил этди ва тайёрланаётган ДХШ лойиҳаларини ҳисобга олган ҳолда, бу кўрсаткичлар қарийб 2 баравар ошади [1].

Ғарбий Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида инфратузилма қуриш ва модернизация қилишни молиялаштириш умумий ҳажмининг 20%и хусусий бизнес маблағлари ҳисобига амалга оширилади, Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 10-13%ни ташкил қилади. Бунда ДХШ-лойиҳалари нафақат Европа, АҚШ ва Канадада, балки Ҳиндистон, Жанубий Осиё, ХХР ва бошқа мамлакатларда ҳам амалга оширилади [2].

ДХШнинг тарқалиши энг катта кўлами кузатиладиган мамлакатлардан АҚШга эътибор берадиган бўлсак (гарчи АҚШ капитал сиғими бўйича Хитойдан 3 баравар кичик бўлсада), бу ерда Р.Рейган раҳбарлигида амалга оширилган инфратузилмани хусусийлаштириш ва федерал бюджетдан тўғридан-тўғри молиявий ёрдамни қисқартириш маҳаллий ҳукуматларга аҳолининг турли хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича молиявий юкни оширди.

АҚШда ДХШнинг энг кенг тарқалган шакли имтиёзлар ва бошқарув шартномалари бўлиб, асосий рағбатлантириш механизмлари имтиёзлар (одатда солиқ), тезлаштирилган амортизация усулларини қўллаш имкониятини берадиган инвестициялар учун имтиёзли кредитлар ва бошқалар ҳисобланади.

Ғарбда, масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида, давлат-хусусий шерикликнинг икки хил тури ажратиб кўрсатилади: унинг доирасида давлат ва бизнес томонидан қўшма корхоналар ташкил қилиш амалга ошириладиган

институционал ва бу қаторга концессия шартномалари ҳам кирадиган шартнома ДХШ.

Ўзбекистон амалиётида эса ҳозирча, ДХШ-лойиҳаларнинг аралаш таркиби мавжуд бўлиб, уларнинг асосан биринчи турга мансублигини белгилаб беради. Лекин шунга қарамай, тузилган штатлар ҳажми бўйича ҳам, қиймат кўрсаткичлари бўйича ҳам олий таълим соҳасида ДХШ механизми устунлик қиладиган шакли концессия ҳисобланади (ўқув корпуслари, лабораториялар, ётоқхоналар, тадқиқот марказлари ва ҳ.к. қурилишига концессиялар).

Мамлакат бюджетининг 17%гача бўлган қисми тежаладиган таълим соҳасида ДХШ механизмини қўллаш (ДХШ атамаси ўрнига Буюк Британияда "хусусий молиявий ташаббус" (PFI) атамаси фойдаланилади) соҳасида Европа мамлакатлари орасида қиймат кўрсаткичлари ва ҳажм бўйича етакчи мамлакат саналган Буюк Британиянинг тажрибаси катта қизиқиш уйғотади. Бунда мамлакат ҳудудида амалга оширилаётган ДХШ лойиҳаларининг учдан бир қисмидан кўпроғи (35%) таълим соҳасининг улушига тўғри келади.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш 34%ни, бошқа коммунал хизматлар ва транспорт хизматлари мос равишда 14% ва 4%ни ташкил қилади.

Шуниси қизиқки, агар ДХШ лойиҳаларини тармоқлар бўйича тақсимлаш асосий мезони сифатида миқдорий эмас, балки қиймат таркибий қисмини оладиган бўлсак, 1995 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда қиймат бўйича биринчи ўринга транспорт соҳасидаги лойиҳалар эгаллайди. Бироқ, сўнгги пайтларда вазият тубдан ўзгарди: нафақат миқдорий хусусиятлар, балки қиймат кўрсаткичлари бўйича ҳам етакчи таълим соҳаси (27%) ҳисобланади, транспорт соҳасида амалга ошириладиган ДХШ лойиҳалари эса Буюк Британияда амалга оширилган жами ДХШ лойиҳаларининг атиги 17 фоизини ташкил қилади.

Маҳаллий ДХШ бошқарув органлари ҳақида тўхталсак, кенг тармоқли маъмурий аппаратга қарамай, миллий миқёсда ҳам, минтақалар даражасида ҳам ҳозирги пайтга келиб, ДХШ-лойиҳаларни амалга ошириш борасида, айниқса, ижтимоий соҳа тармоқларида етарлича тажриба тўпланмаган. Бу ерда тўхтатиб турувчи асосий омиллардан бири сифатида институционал ўзгаришлар зарурати намоён бўлади.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётида ДХШ механизми концепцияси қўлланишини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, ушбу институт туфайли уларнинг натижаси жумладан, ижтимоий соҳанинг стратегик аҳамиятга молик муҳим тармоқларини ривожлантириш учун зарур бўлган ўрта муддатли ва узоқ муддатли инвестициялар миқдори камлиги бўлган институционал «муваффақиятсизлик»ни бартараф қилиш ҳисобланади. Хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ўз навбатида, инновацияларни ривожлантиришга ёрдам беради, уларни амалга ошириш рискин камайтиради, бу ички иқтисодиётни ривожлантириш ва янги босқичга ўтиш учун зарур шартдир. Бундан ташқари, ДХШ ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳам ривожланишига ҳисса қўшади.

Олий таълим соҳасида ДХШ тамойилларини амалга ошириш туфайли нафақат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун

мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш эҳтиёжларини узоқ муддатли режалаштириш таъминланмоқда, балки мамлакатнинг, фундаментал ва амалий фаннинг инновацион ривожланиши рўй бермоқда, бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайди ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун шароитлар яратади.

Хулоса қилиб айтганда, ДХШ-айнан давлатнинг ресурсларини тежаш ва бюджет юкласини пасайтириш, хусуси секторларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро келишув механизмидир.

Фикримизча, олий таълим муассасасида ДХШ – исталган бир олий ўқув юртининг у ёки бу харажатларини оптималлаштириш, бўш турган бино ва ерларидан самарали фойдаланиш, аутсорсинг, концессия ёки бошқа кўринишдаги хусусий сектор имтиёзларидан оқилона фойдаланиш мақсадида тўғридан-тўғри ёки билвосита амалга ошириладиган ҳамкорлик шакли ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

*Case Studies of Public-Private Partnerships for Transportation Projects around the World // DMJM HARRIS, AECOM Consult, Inc - 2007. - 158 с.*

*The World Bank / Всемирный Банк - World Bank Infrastructure Governance Roundtable / Круглый стол Всемирного банка по инфраструктуре государственного сектора [Электронный ресурс]. - Режим доступа:*

<http://siteresources.worldbank.org/INTTRANSPORT/Resources/336291-1152714163458/2744896-1153140803155/UK-PPPBeazleyLong-OnYeeTai.pdf>.

## **КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ**

**Ш.К.Курбаниязов, и.ф.ф.д. (PhD)**

*Таълимни ривожлантириш республика  
илмий-методик маркази*

**Корпоратив бошқарув модели** - бу корпоратив тузилма томонидан ички (акциядорлар ва корпоратив тузилма раҳбарияти) ҳамда ташқи (инвесторлар, шериклар, мол етказиб берувчилар, кредиторлар ва х.к.) манфаатдор томонлар ўртасида қурилган ўзаро муносабатларнинг яхлит боқарув тизими ҳисобланиб, иштирокичлар манфаатларини етарли даражада қондириш натижасида корпоратив тузилманинг самарали ривожланишида бошқарув усуллариининг мажмуаси.

Корпоратив бошқарув тизимларини таснифлашда корпоратив бошқарувнинг маълум механизмларининг мавжудлиги/йўқлиги ёки уларнинг самаралилик даражаси емас, балки турли мамлакатларда бизнес юритишнинг корпоратив шаклининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, адабиётда корпоратив бошқарувнинг қуйидаги моделлари ажратилган:

- Англо-америка (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Янги